



MOLIYA TIZIMINI RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI VA ISTIQBOLLARI

**Xalqaro ilmiy-
amaliy anjuman
materiallari to'plami**

I qism

2022-yil 27-may

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI**

TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI

“MOLIYA” KAFEDRASI

**MOLIYA TIZIMINI
RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY
TENDENSIYALARI VA ISTIQBOLLARI**

**xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami
27-may 2022-yil**

(I QISM)

**СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ И
ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ
ФИНАНСОВОЙ СИСТЕМЫ**

**материалы международной
научно-практической конференции
27 мая 2022 года**

(ЧАСТЬ I)

**MODERN TENDENCIES AND PROSPECTS
OF FINANCIAL SYSTEM DEVELOPMENT**

**materials of the international
scientific and practical conference
May 27, 2022**

(CHAPTER I)

ТОШКЕНТ-2022

УДК:158.56.169
КБК:56.62.1

“Moliya tizimini rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami (I qism). –T.: TMI., 2022. - 464 b.

Tahrir hay’ati: i.f.n., dots. X.Qobulov, dots. B.Nurmuxamedova,
PhD., dots. I.Jumaniyazov, PhD., dots.v.b. N.Yuldasheva

Taqrizchilar: i.f.d., prof. T.Malikov
i.f.d., prof. N.Xaydarov

Tashkiliy guruh a’zolari:

Islamkulov A.X.	Sultonov Sh.N.	Shermuxamedova Sh.A.
Muxamedov F.T.	Nurmuxamedova B.I.	Tursunxodjayeva Sh.Z.
Qobulov X.A.	O‘roqov U.Yu.	Kuvatova O.Sh.
Malikov T.S.	Yuldasheva N.V.	Sunatullayeva Sh.X.
Jiyanova N.E.	Allayorov S.R.	Kamilova S.A.
Jalilov Sh.Q.	Nuritdinova V.Sh.	Kadirova I.B.
Shernayev A.A.	Xidirov N.G’.	Ibodullayev A.A.
Xamdamov Sh.K.	Safarova N.A.	Turabov S.A.
Po‘latova M.B.	Axunova Ye.A.	Umirzoqov J.A.
Jumaniyazov I.T.	Tadjibekova D.B.	Meliboyeva M.X.

Ushbu to‘plamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 7-martdagi 101-F-sonli Farmoyishi bilan tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasida 2022-yilda xalqaro va respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik anjumanlar rejasi”ga muvofiq, Toshkent moliya instituti “Moliya” kafedrasida tashabbusi bilan 2022-yil 27-may kuni “Moliya tizimini rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari” mavzusida o‘tkazilgan xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari o‘rin olgan.

To‘plamda anjuman natijalari bo‘yicha moliya nazariyasiga zamonaviy qarashlar va konsepsiyalar, davlat moliyasi amal qilishining zamonaviy muammolari va yechimlari, moliya tizimini kompleks rivojlantirish, aholi moliyaviy savodxonligini oshirish istiqbollari, muqobil moliyalashtirishni rivojlantirish istiqbollari, global moliya tizimining zamonaviy tendensiyalari yuzasidan ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar o‘z aksini topgan.

To‘plamga kiritilgan materiallarning mazmuni, undagi statistik ma’lumotlar va me’yoriy hujjatlarning to‘g‘riligi hamda keltirilgan tanqidiy fikr-mulohazalar va takliflarga mualliflarning o‘zlari mas’ul.

“Moliya tizimini rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami Toshkent moliya institutining 2022-yil 31-maydagi Kengashi qarori bilan nashrga tavsiya etilgan.

ISBN: 978-9943-832-38-1

© “LESSON PRESS”, 2022
© TMI, 2022

Бизнинг амалиётда, қимматли қоғозлар бозорининг асосий таркибий қисми сифатида иккиламчи бозор механизми халқаро андозалар тизимида мос эмаслиги сезилади.

Бугунги кунда асосий эътиборни аҳоли ва муассасавий сармоядорларни акциялари сотувга қўйиладиган акциядорлик жамиятлари, улар жорий фаолиятининг натижалари ва ривожланиш истикболлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларига эътиборни қаратишлари лозим.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, миллий корхоналар фаолиятида капиталлаштириш даражасининг пастлиги, бошқаришдаги самарали усулларнинг йўқлиги, мамлакат миқёсидаги оммавий наشريётларда акцияларнинг бозордаги қийматини шакллантириш механизмларининг етарлича ёритилмаслиги, ушбу йўналиш бўйича махсус курсатмалар, параметрлар, моделлар, статистик маълумотлар, иқтисодий таҳлил андозаларини тартибга солиш зуруриятини келтириб чиқаради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги иқтисодиётни диверсификациялаш ҳамда модернизациялаш шароитида иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун етарлича ишчан механизм яратилган. Айни пайтда, мамлакат миллий фонд бозорининг йил сайин ривожланаётганлиги жумладан, ривожланган фонд бозорлари тажрибалари кенг ўрганилиб, амалиётда тадбиқ этилаётганлиги акциялар иккиламчи бозорининг ривожланишига замин яратади.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМІЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Мейлиев Обид Рахматуллаевич

мустақил тадқиқотчи. Тошкент молия институти

Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш тартиби доимий равишда долзарб тадқиқот мавзуси бўлиб ҳисобланган. Иқтисодчи олимларнинг асосий диққат марказида маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг даромад базаларини мустаҳкамлаш ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш, маҳаллий бюджетлар даромад манбаларини кенгайтириш ва шу асосда маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш каби масалаларга нисбатан кенгроқ ўрин берилган.

Маҳаллий бюджет, унинг тузилиш асослари, маҳаллий бюджет даромадлари ҳамда уларни шакллантириш механизми, маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетлар солиқли даромадларини ошириш, маҳаллий бюджетлар даромадларининг етарлилигини таъминлаш каби муаммолар олимлар томонидан доимий равишда тадқиқот объекти сифатида қаралган.

Шу билан биргаликда маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш масалалари билан бир қатор иқтисодчи олимлар узок йиллардан бери шуғулланиб келишларига қарамасдан бугунги кунда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг тан олинган умумэътироф этилган оптимал механизмини яратиш масаласи ҳамон ўз ечимини топмаган.

Шу нуқтаи назардан маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш ва улар барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ жараёни тадқиқ этиш ҳар доим иқтисодчи олимларнинг эътиборини ўзига тортиб келган муаммолардан бири саналади.

Хорижий олимлардан L.M.Sinervo маҳаллий ҳукумат ўз фуқаролари учун етарли ва барқарор фаровонликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди, бу эса солиқ тўлайдиган аҳолига сифатли давлат хизматларини ташкил этиш орқали амалга оширилади деб ҳисоблайди⁴⁴. Унинг фикрича молиявий бошқарувнинг иккита асоси яъни, биринчидан, давлат сектори узок муддатли истиқболда ўз иқтисоди ва маблағларини мувозанатлаштириши керак, бу аҳолидан олинадиган солиқлар етарли бўлишини аниқлатади, иккинчидан, улар учун хизматларни ташкил қилиш ва тенг равишда ишлатилишини таъминлаши керак. Ушбу асослар маҳаллий ҳокимиятнинг молиявий барқарорлигини намоён этади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари барқарорлиги, молиявий салоҳиятининг кўрсаткичлари давлат ва унинг алоҳида минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун маълумотлар тизимини ифодалашини ҳисобга олиш муҳимдир⁴⁵.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ҳамда уларнинг даромадларини ошириш жараёnlари илмий назарий жиҳатдан кенг тадқиқ этилган.

Профессор Н.Хайдаров фикрича маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини кўпайтириш ва вилоятларда янги иш ўринларини яратиш учун хорижий инвесторларни жалб этишни рағбатлантириш зарур. Бунинг учун мамлакат бўйича хорижий инвесторлар қандай турдаги тадбиркорлик ва тижорат фаолияти билан шуғуллана олмайдиган соҳа ва тармоқлар рўйхати ишлаб чиқилиб, қолган барча соҳа ва тармоқларга яшил йўл борлиги кўрсатилиш лозим⁴⁶ дея таъкидлайди.

Иқтисодиёт фанлари доктори А.Исламкулов маҳаллий бюджет даромадлари биринчидан ишлаб чиқариш жараёнининг иштирокчилари ўртасида ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш натижаси ҳисобланса,

⁴⁴ Sinervo, L.M. Interpreting financial balance in local government: A case study from Finland. *Public Money Manag.* 2014, 34, 123–130. [CrossRef] www.scopus.com.

⁴⁵ Tommaso Oliviero, Annalisa Scognamiglio. Property tax and property values: Evidence from the 2012 Italian Tax Reform *European Economic Review*. <http://www.sciencedirect.com/science/article/pii>

⁴⁶ Н.Х.Хайдаров “Маҳаллий бюджетлар: муаммо ва инновацион ечимлар”. “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2020 йил, 2-сон..

иккинчидан маҳаллий аҳамиятга эга пул жамғармасини шакллантиришга хизмат қилувчи қийматдир⁴⁷ дея таъкидлаган.

Маҳаллий иқтисодчи олим Х.Қобулов фикрича ҳудудларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда амалга оширилаётган ислохотлар талабларининг ўз вақтида бажарилиши маҳаллий ҳокимият органлари самарали фаолиятининг асосий шартидир. Муаллиф фикрича маҳаллий бюджетларни шакллантиришда бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги, маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини ошириш, хусусан, уларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади⁴⁸.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари ва давлат бюджет харажатлари мамлакатда яратилган миллий даромаднинг тақсимланиши асосида ҳудудларда истиқомат этувчи аҳолига ва унинг натижаларини етказиб берувчи маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга йўналтирилади⁴⁹.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан Н. Юлдашева эса маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усуллариини такомиллаштириш орқали уларнинг даромад манбаларини мустаҳкамлаш ва харажат мажбуриятларини оптималлаштириш⁵⁰ орқали эришиш мумкинлигини таъкидлайди. Муаллиф фикрича маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва мустақиллигини оширишда бюджет орқали тартибга солиш биринчи навбатда эътиборга олиниши керак, чунки у бюджет тизими бюджетларининг даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш мақсадида улар ўртасида маблағларни қайта тақсимлашнинг энг муҳим механизми ҳисобланади.

Бугунги кунда маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш иқтисодий ҳамда ҳуқуқий омилларга боғлиқ бўлиб, айрим иқтисодчилар ушбу омиллар сифатида маҳаллий ҳокимият органлари ваколат ва маъсулиятини ошириш нуктаи-назаридан, айрим иқтисодчи олимлар эса даромад ва харажатлар мутаносиблигига эришиш орқали таъминлаш мумкинлигини эътироф этишади. У.Ўроқов фикрича маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш, кўшимча даромад манбаларини шакллантириш ва захираларини аниқлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари манфаатдорлигини ошириш лозим⁵¹.

⁴⁷ А.Х.Исламқулов. Бюджетлараро муносабатларни солиқлар воситасида тартибга солиш./Монография. - Т.: "Lesson Press" МЧЖ нашриёти.2021.б-16

⁴⁸ Қобулов Х. Обеспечения финансовой устойчивости местных бюджетов путем улучшения финансового потенциала региона. Современная наука актуальные вопросы, достижения и инновации. г.Пенза, 20 мая 2020 г. стр-47.

⁴⁹ Рўзиев З.И. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ва самарадорлигини ошириш истиқболлари. "Инновацион технологиялар" №3, – 2020 й. б-92-96

⁵⁰ Юлдашева Н.В.Маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усуллариини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) дисс автореферати. –Т.: 2021. –б. 55.

⁵¹ Ўроқов У.Ю. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) дисс автореферати. –Т.: 2020. –б. 57.

Ш.Мусалимов маҳаллий бюджетларнинг даромад салоҳияти кенг маънода ҳудуд маҳаллий бюджетларининг мавжуд бўлган максимал ресурслар йиғиндиси ҳисобланади⁵² дея таъкидлайди. Муаллиф фикрига кўра, маҳаллий ҳокимиятларнинг бюджетларнинг харажатлар қисмини ўз даромадлари ҳисобидан бажарилишини таъминлаш қобилияти маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини сақлашнинг асосий шартидир.

М.Хайдаров бюджет тизими бюджетларининг номарказлаштирилиши бюджет даромадлари ваколатлари ва бюджет харажатлари мажбуриятлари борасидаги турли даражадаги бошқарув органлари орасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган қатор чораларнинг амалга оширилиши билан боғлиқдир дея таъкидлайди. Шунингдек, унинг фикрича номарказлаштириш натижасида жамият хизматларини шундай ташкил ва тақдим этилиши назарда тутиладики, улар маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини тўлақонли қониқтиришни таъминлашлари керак⁵³.

Рус иқтисодчи олимларидан Т.Ткачева фикрича, ҳудудлар даражасидаги бюджетни комплекс такомиллаштириш асосида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун жалб қилинган молиявий ресурсларнинг ҳудудий бюджет харитасини шакллантириш, бюджет маблағларини ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга сарфлаш самарадорлигини баҳолашнинг янги воситаларидан фойдаланиш лозим бўлади⁵⁴.

Г. Морунованинг фикрига кўра, замонавий муниципал маблағларнинг асосий ажралиб турадиган хусусияти асосан, маҳаллий бюджетлар томонидан ифодаланганлиги билан боғлиқ бўлиб, "муниципал молия" деганда маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёридаги маблағларни шакллантириш ва сарфлаш учун пул муносабатларининг мажмуи тушунилиши керак⁵⁵.

Маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий ресурслари маҳаллий маъмуриятлар ихтиёрида тўпланган ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш ва маҳаллий ҳамжамятни ривожлантириш учун фойдаланиладиган пул даромадлари ва тушумларини бирлаштиради⁵⁶.

Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ҳамда унинг манбалари ва хусусиятлари борасида хорижий олимлар ҳам ўз фикрларини

⁵² Мусалимов Ш.И. Доходный потенциал местных бюджетов: особенности и проблемы формирования в современных условиях. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" Илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2020 й.б-16-24

⁵³ Хайдаров М.Т. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини ошириш масалалари. "Иқтисод ва молия" журнали 2017, №6. б-21-30

⁵⁴ Ткачева Т.Ю.Бюджетно-налоговые механизмы устойчивого развития регионов: теория и методология. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва 2019 стр-55.

⁵⁵ Морунова Г.В. Муниципальные финансы в трансформационной экономике. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Санкт-Петербург-2020.стр-32

⁵⁶ Ярунина А. Г. Формирование финансовых ресурсов муниципальных образований: дисс.... к.э.н.:08.00.10 / А. Г. Ярунина. – Иркутск, 2006. – 198 с.

баён этишган. Унга кўра бюджет компенсацияси мавжуд бўлганда капитал ва ердан иборат бўлган тадбиркорлик мол-мулкига солиқ солинадиган базада капиталнинг интенсивлигини пасайиши, тадбиркорлик мол-мулкига солиқ ставкаларини оширади ва резидентларга солиқ ставкаларини пасайтиради⁵⁷.

Юқоридаги иқтисодчи олимлар томонидан билдирилаётган фикр ва мулоҳазаларда маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг долзарб молиявий жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар гуруҳланган ва шу асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудуд иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг молиявий механизмини шакллантириш йўллари очиб берилган.

Фикримизча, бугунги кунда маҳаллий бюджет даромадларининг асосий манбаи бўлган маҳаллий солиқлар маҳаллий бюджетлар даромадларини тўлиқ шакллантира олмайди. Шу ўринда республика солиқларидан ажратмалар ҳамда юқори бюджетдан куйи бюджетга берилаётган молиявий ёрдамлар ажратиш механизмини ҳам қўшган ҳолда тадқиқ этиш лозим. Ушбу омиллар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудуд иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи молиявий механизмини шакллантириш имкониятларини яратади.

Назаримизда, маҳаллий бюджетлар даромадлари ҳисобига маҳаллий бюджетлар харажатларини самарали таъминлаш имкониятининг пастлиги, мазкур ҳудудлар маҳаллий бюджетлари даромадларини ошириш ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини ошириш ҳамда масъулиятларини кучайтириш нуктаи назардан келиб чиқиш ва ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб борилиши ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХОРИЖИЙ ҚАРАШЛАР ТАЛҚИНИ ХУСУСИДА

Аллаяров Шамсиддин Амануллаевич, и.ф.д., доц.
“Менежмент ва маркетинг” кафедраси мудири
Тошкент молия институти

Молиявий хавфсизликни таъминлаш масаласи алоҳида мамлакат миқёсидан чиқиб, иқтисодий глобал миқёсга кўчибгина қолмасдан, жаҳон иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган барча сиёсий,

⁵⁷ Tidiane Ly, Sonia Paty. Local taxation and tax base mobility: Evidence from France.//Regional Science and Urban Economics, Volume 82, May 2020, <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S>

MUNDARIJA

KIRISH SO‘ZI	3
UMUMIY YIG‘ILISH	
1. Исламкулов А.Х. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджетни номарказлаштиришнинг илмий-назарий асослари.	4
2. Бурова Е.В. Системно-синергетический подход к управлению затратами в инновационной деятельности высокотехнологичного промышленного предприятия.	8
3. Чеховских И.А. Возрастание роли банковской системы Узбекистана в глобальной финансовой системе современности.	11
4. Маликов Т.С. Молия назариясига замонавий қараш ва концепциялар контекстида ҳазрат навоий ўғитлари.	15
5. Ikromov N., Jaime Luque. A spatial feasibility analysis of affordable housing.	19
6. Каюмов Н.Н. Инновационное банковское обслуживание как одно из перспективных направлений развития банковского бизнеса.	34
7. Қобулов Х.А. Худуд даромад салоҳиятини ривожлантиришнинг долзарб масалалари.	39
8. Жиянова Н.Э. Пути совершенствования управления и повышения эффективности использования финансовых ресурсов предприятий.	42
9. Ерниязова Ш.С. Проблемы и перспективы совершенствования финансовой грамотности среди выпускников школ и студентов.	48
I-YO‘NALISH.	
MOLIYA NAZARIYASIGA ZAMONAVIY QARASHLAR VA KONSEPSIYALAR	
10. Шоҳаъзамий Ш.Ш. Молия назариясини рақамли муносабатлар smart экотизимининг мултидисциплинар билимлари ва концепцияси билан бойитиб ривожлантириш.	52
11. Касимова Г.А., Нурмухамедова Б.И. Основные задачи и пути укрепления доходов государственного бюджета.	58
12. Чинқулов Қ.Р. Акциядорлик жамиятларининг дивиденд сиёсатини такомиллаштириш масалалари.	62
13. Эшонов М.Х. Солиқ функцияларининг фалсафий таҳлили.	66
14. Джамалов Х.Н., Қобулов Х.А. Методологические основы формирования оптимальной финансовой стратегии предприятия инновационного развития.	71
15. Эркаев С.А., Эркаева Н.С. Решение актуальных проблем современной экономики и финансовой системы Таджикистана.	75
16. Мусабекова А.О. Концепции теорий финансов женского предпринимательства.	84
17. Султонов Ш.Н. Фонд бозорининг ривожланиш имкониятлари.	87
18. Мейлиев О.Р. Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари.	90
19. Аллаяров Ш.А. Молиявий хавфсизликни таъминлашнинг хорижий қарашлар талқини хусусида.	94
20. Мелиев И.И. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг фан сифатида ривожланиш хусусиятлари.	97

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI**

TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI

“MOLIYA” KAFEDRASI

**MOLIYA TIZIMINI
RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY
TENDENSIYALARI VA ISTIQBOLLARI**

**xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami
27-may 2022-yil**

(I QISM)

**СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ И
ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ
ФИНАНСОВОЙ СИСТЕМЫ**

**материалы международной
научно-практической конференции
27 мая 2022 года**

(ЧАСТЬ I)

**MODERN TENDENCIES AND PROSPECTS
OF FINANCIAL SYSTEM DEVELOPMENT**

**materials of the international
scientific and practical conference
May 27, 2022**

(CHAPTER I)

**Босишга рухсат этилди: 31.05.2022 Офсет қоғоз.
қоғоз бичими 64x84 1/16 Times гарнитураси. Шартли босма
табоғи 29,0. Нашр ҳисоб табағи 26,97. Адади 100**

«ZAMON POLIGRAF» ОК босмаҳонасида чоп этилди.

**Манзил: Ташкент шаҳри. Юнусобод тумани,
Бободехқон маҳалласи 45 уй.**